


**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**“ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ” КАФЕДРАСИ**

**“ЕР МОНИТОРИНГИ” фани**



**Тошкент -2018**



# **Ер мониторингини натижаларини кўриб чиқиш ва ундан фойдаланиш**

---

**Режа:**

- 1. Ер мониторингини ташкил қилиш ва ўтказиш.**
- 2. Ер мониторингини юритувчи давлат органлари.**
- 3. Ер мониторинги натижаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.**



## **Ер мониторингини ташкил қилиш ва ўтказиш**

---

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 14-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 496-сонли қарорида ер мониторингининг мақсадлари, вазифалари аниқ қилиб белгилаб берилган.


Ўзбекистон Республикасининг барча ерлари, уларнинг ҳуқуқий режими, фойдаланишиш мақсади ва характеридан қатъий назар, мониторинг обьекти ҳисобланади.

Ер мониторинги ер фонди тоифаларига мувофиқ ерлардан фойдаланишиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.



## **ЕР МОНИТОРИНГИНИ ЎРИТИШ ОРГАНЛАРИ**

*Ер мониторинги* Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси **томунидан** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари **иштирокида амалга оширилади.**



## **Ерларнинг сифати бузилишининг асосий сабабларига қуидагилар киритиш мумкин:**

- ✓ янги ерларни тегишли мелиоратив тайёргарликларсиз ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш;
  - ✓ пахта ва ғалла етиштиришда алмашлаб экишдан етарлича фойдаланмаслик, ҳамда ерда ерда бир хил маҳсулот етиштиришнинг устуворлиги;
  - ✓ суғориладиган ҳудудлардан ерлардан фойдаланишнинг экстенсив усулларидан фойдаланишнинг кенг тарқалганлиги;
  - ✓ суғориш учун кўлланадиган сувнинг носамарадорлиги;
  - ✓ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сувни тежовчи ва сув қўйиш техника-технологиясининг заиф жорий этилганлиги;
  - ✓ ер усти сув оқимларига коллектор-дренаж ва оқава сувларни чиқазиш;
  - ✓ қурғоқ ва яйлов ерларни ўзлаштириш;
  - ✓ коллектор-дренаж тизимишининг етарли таъминланмаганлиги;
  - ✓ заҳарли кимёвий ва минерал ўғитлардан нооқилона фойдаланиш;
  - ✓ бузилган ерларни рекультивация қилиш ва тиклаш борасидаги
- чораларнинг етарли эмаслиги ва бошқалар.

## Ер мониторинги натижаларини ўрганиш

---

- ▶ Ер мониторингининг натижалари маълум давр учун аниқ сифат ва микдор кўрсаткичларида ифодаланади (масалан, гектарига тоннада чириндининг фоизда йуқолиши даражаси интенсивлиги маълумотлар банкига киритилади).
- ▶ Ер мониторинги натижалари буйича тезкор маълумотлар, ҳисоботлар, илмий прогнозлар, мавзули хариталар ва бошқа материаллар тузилиб чиқилади ва улар тегишли давлат органларига такдим этилади.



## *Ер мониторинги натижаларини баҳолаши*

---

Ерларнинг ҳолати ўзгаришларнинг йўналиши ва жадаллигига оид бир қанча изчил кузатишларни (*даврий, мавсумий, суткалик*) тахлил қилиш, олинган кўрсаткичларни ерларнинг сифат ҳолати нормативлари билан таққослаш орқали баҳоланади.

Ер ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари муайян давр ёки сана учун хам *абсолют*, хам *нисбий* кўрсатгичларда (ўлчов бирлигига) ифодаланади.


Ерлар ҳолатини баҳолаш натижаларига кўра тезкор маълумотлар, ахборотлар, прогнозлар ва тавсияномалар тузилади, уларга ўзгаришлар, айниқса салбий ўзгаришларнинг динамикасини, уларнинг йўналишини ва жадаллигини тавсифловчи мавзули хариталар, картограммалар, жадваллар ва диаграммалар илова қилинади.






*Мелиоратив ҳолати ёмон бўлган  
сугориладиган ер майдонларининг  
Қарақалпогистон Республикаси ва вилоятлар  
бўйича тақсимланиши*

*Республика бўйича кўп  
йиллик дарахтзорлар  
майдонларининг ўзгариши*





*Фермер хўжаликлари ер майдонларининг ўзгариши.*



# Ер мониторинги натижаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

- ▶ Ер мониторинги ишлари “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг ишлаб чиқариш бўлинмалари томонидан бажарилади.
- ▶ Ер мониторинги обьектлари бўйича материаллари ижрочилар, бўлим бошлиқлари ва раҳбарлари (институт, бўлим, филиал ёки экспедиция) имзолаган ёзма ҳисоботлар ва картографик материаллар кўринишида берилади.
- ▶ Ер мониторинги бўйича йиллик ёзма ҳисобот ва картографик материаллар кўринишидаги якуний маълумотлар вилоят ишлаб чиқариш бўлинмалари илмий-техникавий кенгашларида муҳокама этилади ва институтлар, филиаллар, бўлимлар, экспедициялар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.
- ▶ Йиллик ҳисоботлар охирги босқичда вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

*Эътиборларингиз учун  
раҳмат*

